


Табук ғазоти



19:00 / 13.07.2022 3690

Арабистон яриморолида Ислом давлати пайдо бўлганини эшитган румликлар ўзларининг форслар билан давом этиб келаётган душманликларини унутишди ва зудлик билан мусулмонларга қарши лашкар тўплай бошлашди.

Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бусродаги Рум ҳокимига юборган элчилари Ҳорис ибн Умайр Аздийни ўлдиришди.

Ҳижрий саккизинчи йилнинг жумодул аввал ойида улар мусулмонларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан юборилган уч мингга яқин аскар билан Муътада тўқнаш келишди.

Кўриниб турибдики, насоролар Ислом ва мусулмонлар учун жиддий хавфга айланишган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга румликларнинг яна катта лашкар тўплаётгани ҳақида хабар келди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни Румга қарши ғазотга тайёргарлик кўришга буюрдилар.

Бу давр ниҳоятда қийинчилик вақти бўлиб, жуда иссиқ эди. Мевалар пишган, одамлар мевалардан баҳраманд бўлиб, соясалқинда дам олишни хоҳлайдиган вақт эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, одатда, бирор ғазотга чиқадиган бўлсалар, очиқ айтмас, бошқа томонга бормоқчи эканларини айтиб туриб, кейин мақсад қилинган тарафга юрар эдилар. Аммо Табук ғазотида бундай қилмадилар. Машаққатли, узоқ ва шиддатли пайтда душманнинг кўплигини эътиборга олиб одамлар ўзига яраша тайёргарликларини кўрсинлар деб очиқ айтдилар. Одамларни тайёргарлик кўришга буюрар эканлар, Рум билан уруш қилиш ниятида эканларини билдирдилар.

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жиддийлик билан сафарга отландилар. Одамларни керакли нарсаларни олиб, шошилишга амр қилдилар.

Бой кишиларни хайр-эҳсон қилишга, улови йўқ мужоҳидларга улов олиб беришга қизиқтирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жумодул аввал ойида ўттиз мингга яқин киши билан йўлга чиқдилар.

Бир гуруҳ мусулмонлар ҳеч шак-шубҳалари бўлмаса ҳам, ўзларича «Қолса бўлаверса керак», деган ният билан ғазотдан қолишди. Уларнинг ичида Каъб ибн Молик, Мурора ибн Рабийъ, Ҳилол ибн Умайя, Абу Хайсама, Умайр ибн Ваҳб ва бошқа саҳобалар бор эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Санийятул вадоеъ номли жойга лашкаргоҳ қурдилар. Мунофиқларнинг бошлиғи Ибн Салул эса ундан пастроқда алоҳида лашкаргоҳ қурди. Кейинроқ одамларини олиб йўлдан қайтди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукда йигирма кун турдилар. Ўртада уруш бўлмади. Сўнг ортга қайтдилар. Ана шундай қийинчиликларга Аллоҳнинг розилигини деб чидаганлари учун Аллоҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбасини қабул қилди.

Табук ғазоти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги охирги ғазот эди. Ундан кейин у зотнинг ҳаётларининг охиригача ғазот бўлмади.

«Ислом тарихи» китоби асосида тайёрланди